Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2-йил чиқиши
15 ДЕКАБРЬ 1967 й
ЖУМА
№ 291 (446)
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БАРАКА — ТЕЖАМДА

ТЎҚҚИЗ ТАКЛИФ ФОЙДАСИ

«Энди кўрибсизки, бизнинг кунларда ҳар бир несиш асбоби иш давомида ўзича чархланиши мумкинлиги кашф этилибди, бу вақт ва материални тежаш йўли билан кўлимизга юз миллионлаб фойда беради» деган эди пролетар ёзувчиси Максим Горький. Ҳа, социалистик саноатимиз корхоналарида ишчилар ажойиб янгиликларни кашф этишмоқда. Бу эса бойлигимизга бойлик қўшиб янада пири бадавлат бўлишимизга кўприк вазифасини бажаряпти.

Биргина «Ташавтомаш» заводида бугун ижодкор ишчилар сафи 244 тага етди. Улар ўзларининг янги таклифлари билан ишлаб чиқаришнинг ҳар бир жабҳасида кўплаб хомашё, электр энергия тежаш қолишга имкон яратмоқдалар. Корхонада металл асосий хомашё ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳар бир машинасоз бугун кечагидан кўпроқ металл тежаш ҳаракатида. Бу борада айниқса рационализаторларнинг ишлари мақтовга сазовор бўлди. Металл тежаш юзасидан 22 та таклиф тушган эди. Бундан 12 таси қабул қилиниб, тўққизтаси ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Натижа кутилганидан ҳам зиёд бўлди, йил давомида 157 тонна металл тежаш имконни туғилди. Булардан Е. Я. Борисов ва И. Ф. Прокопенко ҳамкорликда киритган 296-66 номерли бир таклифнинг ўзи йил давомида 50 тонна металл тежаб қолиш мумкинлигини кўрсатди. Н. И. Бризгаловнинг прицеп ён бортидаги устунчалар конструкциясига қисман киритган ўзгартишлари юзасидан қабул қилинган 153-67 номерли таклиф 29,5 тонна металлни тежаб қолиш имконини берди.

Заводда ўтган ўн бир ой давомида 145 та рационализаторлик таклифлари жорий қилинди.

Беш йиллик — муддатидан илгари

МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС ҚИЛИБ

Москва ва Ленинград саноат корхоналари коллективларининг янги ватанпарварлик ташаббуси завод аҳлини янги зафарларга руҳлантираётир. Юбилей йилининг иккинчи йили топшириқларини 25 декабргача адо этиш ва плондан ташқари 70 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаш иштиёқида бўлган «Ўзбекбирлашув»га қарашли савдо уюшмаларн заводи коллективи яқинда келажак режаларини маслаҳатлашиб олди.

Беш йиллик топшириқларини 1970 йилнинг 7 ноябригача уюлатишга қарор қилган корхона ишчи-хизматчилари ишлаб чиқаришга кўпгина янгиликларни жорий этишни дилларига тугиб қўйишган. Беш йиллиқнинг учинчи йили топшириғини муддатидан олдин бажариш, планга қўшимча 80 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, меҳнат унумдорлигини 2,5 процентга ошириш завод коллективининг шу кундаги ёркин режаларидандир.

Бундан ташқари келгуси йилда тайёр маҳсулотларни пардозлашга мўлжалланган конвейер, «П.613_А» маркали парли пресс станогини ўрнатиш кўзда тутиляпти. Шитларни икки ёқлама ишловчи станокнинг тайёрланиши ишчиларга қулайлик яратади. Бу тадбирларнинг ҳаммаси тайёрланадиган маҳсулотнинг сифатли бўлиши ва меҳнат унумдорлигининг ошишида муҳим аҳамият касб этади.

Завод ишчи-хизматчилари донмо янгиликка интилишмоқда. Бу ўринда шу йилнинг ўзидагина тайёрланган янги павильонларни эслатиб ўтиш кифоя. 1968 йилда ҳам 18 турдаги янги савдо ускуналарини ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Бундан ташқари материалларни тежаш-тергаб сарфлаш эвазига 6 минг сўмдан ортиқ маблағ тежаб қолинади.

— Режаларимиз катта,— дейди завод партия комитетининг секретари Ю. А. Юдин,— энди ҳамма гап уни амалга оширишда қолган. Шубҳа йўқки, зиммага олинган бу мажбуриятларнинг уддасидан чиқамиз. Чунки, ишчиларимиз онглилик билан ўз зиммасидаги топшириқ масъулиятини чуқур ҳис қилган ҳолда ишлашяпти, Айниқса, Абулқосим Рўзиматов бошлиқ йиғув цехи ва Кузьма Пономарев бошлиқ тайёрлов цехи ишчи-хизматчилари меҳнатда фидокорлик кўрсатишяпти.

ФАН ТУРМУШГА

ОҚ ЙЎЛ

Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги Ботаника институти олимлари хлорилла — сув ўти устида катта илмий иш олиб боришаётгани ва чорва моллари учун бу ўсимликнинг нақадар фойдали экани ҳақида матбуотда эълон қилинган эди. Ўзбекистон территориясидаги чорва хўжаликларида бу ўсимликдан кенг фойдаланиб, ижобий натижаларга эришилди.

Тажрибада аниқланишича, 2-3 ой мобайнида шу ўсимлик билан боқилаётган моллар 10-15 процентга семиряпти. Бу нарса мамлакатимизнинг бошқа ердаги чорва хўжаликларини ҳам қизиқтириб қолди.

Яқинда Харьков областидаги «Червони маяк» чорва совхозидаги ўртоқлар институт дирекциясидан шу соҳада тажрибани ўртоқлашиш учун улар ҳузурига мутахассис юборишни илтимос қилишди.

Академик А. Музаффаров ва профессор Т. Товбаев раҳбарлигида ишлаётган институт илмий ходими Хурсанали Бердиқулов шу совхозга йўл олди.

МАТБУОТЧИЛАР СЕМИНАРИ

Шаҳар партия комитетида Тошкент области ва шаҳар саноат корхоналари ҳамда олий ўқув юртларида чиқадиган кўп нусхали газеталар редакторлари ва масъул секретарларининг навбатдаги семинари бўлиб ўтди.

Семинарда «Правда Востока» газетасининг ходими Н. Г. Алеев сўзга чиқиб саноат корхоналарининг 5 кунлик иш ҳафтасига ўтиш муносабати билан кўп тиражли газеталарнинг вазифаси ҳақида гапирди. «Совет Узбекистони» газетасининг бўлим мудири В. Меҳкамовнинг «Ёшларни коммунистик рухда тарбиялаш» ва «Комсомолец Узбекистана» газетасининг бўлим мудири Волкова газетада маиший хизмат ахлоқ каби масалаларни қандай ёритиш темасидаги суҳбатини ҳам семинар қатнашчилари зўр қизиқиш билан тингладилар.

Семинарда кўп нусхали «Химик» газетасининг редактори В. П. Попов, «Ташсельмашевец» нинг редактори Г. Т. Демидов, «За цветные металлы» газетасининг редактори Б. Кимлар сўзга чиқишди.

Бугун

I-уйсозлик комбинатида





Қўйлиқдаги Тошкент 1-уйсозлик комбинатида тажриба тариқасида янги бадний нақшли йиғма уй панелларини ишлаб чиқаришга киришилди. Комбинатнинг мана шундай бадний нақшли панеллар ишлаб чиқарувчи эксперименталь цехи Чилонзорда қуриладиган 48 хонали янги уй учун панеллар ишлаб чиқаришга киришди. Яқин келажакда қадимий шарқ архитектура ёдгорликларидаги кўз қамаштирувчи ажойиб жилоли нақшлар акс этган янги уйлар шаҳримиз ҳуснига ҳусн қўшади.

Суратларда (юқорида) бадний нақшли панеллар ишлаб чиқариш цехининг бошлиғи Алимат Асқаров ва панелчилар бригадаси бошлиғи Нуъмон Йўлдошев ўртоқлар янги панелни кўздан кечирмоқдалар.

Чапда: комбинатда ишлаб чиқарилаётган йиғма уй панелларн қурилиш майдонларига пешма-пеш жўнатиб турилибди.

М. НУРИДДИНОВ фотоларн.

• *Ҳамшаҳарларимиз чет элларда*

ДЎСТЛАР ДАВРАСИДА

Яқинда совет олимлари делегацияси Осиё қитъасининг гўзал мамлакатларидан бири Цейлонда, икки ҳафта меҳмон бўлишди. Делегация жаҳон экономика институти директорининг ўринбосари, иқтисод фанлари доктори, Совет-Цейлон дўстлик жамиятининг президенти В. А. Аболтин (делегация бошлиғи) медицина профессори М. М. Тарасов, «Узбекистон маданияти» газетасининг редактори, профессор Лазиз Қаюмовлардан иборат эди. Олимлар Цейлон совет дўстлиги лигаси таклифига биноан бу мамлакатда бўлишди, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига бағишланган тантаналарда иштирок этишди.

Цейлоннинг Коломбо, Калутара, Матара, Жафна, Канди ва бошқа шаҳарларида совет олимларини самимийлик билан кутиб олишди. Бу шаҳарларда Октябрнинг жаҳоншумул тантанасига бағишлаб митинглар ўтказилди. Митингларнинг ҳар бирида минглаб кишилар қатнашди. Уларда турли ижтимоий табақадаги кишилар сўз олиб, Октябрнинг зиёбахш нури Осиё қитъасидаги мамлакатларнинг халқларига келтирган эркинлик ҳақида ҳаяжон билан гапирдилар.

Уз навбатида делегация аъзолари Совет Иттифоқидаги фан, экономика, медицина, маданият тараққиёти ҳақида гапириб беришди. Жумладан, ўзбек олими Лазиз Қаюмов 50 йил мобайнида Ўзбекистон эришган улкан ютуқлар ва унинг бугунги маданияти ҳақида ҳикоя қилиб берди.

Меҳмонлар Цейлон бош министри Дадли Сананаяке ва бир қанча министрлар билан дўстона суҳбатда бўлдилар.

Лазиз Қаюмов Цейлоннинг таланти адиби Мартин Викрамасинге билан учрашувини ҳаяжон билан эслайди. Бу Цейлон ёзувчиси мамлакатимизда, жумладан Ўзбекистонда меҳмон бўлган учрашувлари ҳақида гапириб берди. 76 ёшли ёзувчи Совет Иттифоқининг содиқ дўстидир. У ўзбек ҳамкасбларига ва китобхонларига салом йўллади.

Цейлонда Совет Иттифоқининг ёрдами билан кўпгина саноат корхоналари ва иншоотлари қад кўтараётир. Меҳмонлар шина заводи, пўлат қуювчи заводдаги бугунги қайноқ меҳнат билан танишдилар. Ҳозир бу мамлакатда улкан тегирмон-комбинат қурилаётир. Қурилишда совет мутахассислари билан Цейлон ишчилари оғаинидек меҳнат қилишмоқда.

Кўп цейлонликлар Тошкент, Бухоро, Самарқанд шаҳарларини ва уларнинг тарихий ёдгорликларини яхши билишади. Улар билан бўлган суҳбатларда шу шаҳар ҳаёти ҳақида гап кетди. Цейлоннинг пойтахти Коломбодаги бир ресторанниг номи «Бухоро» экан.

Цейлон халқи бизнинг диёримизга ҳавас билан боқади, ютуқларимизни билишга ошиқишади, совет кишиларига ҳурмат билан илтифот кўрсатади.

Совет олимлари Цейлондаги Октябрь тантаналаридан бир олам таассурот билан қайтишди.

• Мартин Викрамасинге салом йўллайди

• Коломбода «Бухоро» ресторани

1968 ЙИЛ ҲИСОБИГА

«Узбекторсирьё» Тошкент саралаш-ювиш фабрикасининг ишчи ва хизматчи, инженер ҳамда техник ходимлари ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш, шунингдек барча техника иқтисодий кўрсаткичлар бўйича йиллик планни муддатидан олдин бажарган эдилар. Йил охирига қадар 560 минг сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришга қарор қилган фабрика коллективи Москва ва Ленинград ишлаб чиқариш коллективлари ҳамда пойтахтимиз Ленин райони илғор саноатчиларининг беш йилликнинг муддатидан олдин бажариш юзасидан бошлаган ватанпарварлик ташаббусларига активлик билан қўшилдилар.

Фабрика партия ташкилоти коммунистлар ва машъал меҳнаткашларнинг бутун маҳоратини ана шу мусобақани кенг кулоч ёйдиришга, сиёсий-тарбиявий ва оммавий тушунтириш ишларини авж олдиришга сафарбар қилди. Бу ишнинг суръати ва маҳсулотларнинг миқдори ҳамда сифатига самарали таъсир кўрсатди. Натижада ҳозиргача йиллик планга қўшимча равишда 110 минг сўмликдан ошиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди.

АҲДГА ЯРАША

3-тикув фабрикасининг қўли гул чеварлари юбилей йилида айниқса яхши меҳнат қилишди. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик планини 17 ноябрдаёқ бажарган фабрика ишчи-хизматчи, инженер-техник ходимлари йил охиригача планга қўшимча равишда ярим миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар.

Фабрика цехларида айни кунларда кўтаринки руҳ ҳукмрон.

Ишчилар Москва ва Ленинград саноат корхоналари коллективларининг беш йиллик планни муддатидан илгари адо этиш юзасидан бошлаган ватанпарварлик ташаббусига қўшилишган. Фабрика аҳли яқинда ўз зиммасига оширилган маж буриятлар олди. Беш йиллик топшириқни 4 йилу 10 ойда бажариш ва планга қўшимча 1 миллион 100 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга қарор қилган ишчилар маҳсулот сифатига, хомашё ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланишга асосий эътиборни қаратмоқдалар.

Беш йиллинда меҳнаткашларнинг ўғил-қизларига янада бежирим, сифатли кийим-кечаклар тикиб беришга қарор қилган фабрика чеварлари шу кунларда аҳлларига яраша меҳнат қилаётирлар.

ПАХТА БАЙРАМИГА МАРҲАМАТ!

«Пахта байрами»ни ўтказиш анъанага айланиб қолди. Бу йил ҳам байрам Тошкент ипподромида ўтказилади.

Ипподром бугун байрам либосида. чор атрофда ҳилпираётган ол байроқлар, бир сафга тизилган ярмаркалар, миллий таом тайёрловчи ошхоналар, цирк ва дорбозлар майдони унга ғўзаллик бахш этган.

Байром кунларида ипподромда пойтахтимиз театрлари, эстрада, бадиий ҳаваскорлик коллективлари очиқ саҳналарда ўзларининг дилбар рақс ва қўшиқлари билан ҳизмат қилишади.

Шунингдек, байрамда асосий ўринни спортчилар мусобақалари эгаллайди. Ипподромда республикамизнинг энг яхши чавандозлари ўз маҳоратларини намойиш қилишади. Спортнинг бу турига байрам программасидан катта ўрин берилган.

Байрам чавандозлар паради билан очилгач, меҳмонлар унинг югуриш йўлкаларида олий чавандозлик мактаби намояндаларини кўришади. Сўнгра от спорти ўйинларидан «Оломон пойга», «Қиз қувди», «Ағдариш» ва бошқа ажойиб мусобақалар ўтказилади. Байрам программасидаги янгиликлардан яна бири отда баскетбол ўйини бўлади.

Республика спорт жамиятлари ва ташкилотлари Союзи совети шу кунлар мобайнида миллий кураш бўйича Ўзбекистон ССР биринчилигини ўтказишга қарор қилди. Бу мусобақаларда Бухоро, Фарғона, Андижон ва бошқа областларнинг энг кучли миллий курашчилари очиқ майдонларда чемпионлик унвони учун курашадилар. Шунингдек, энг кучли оғир атлетикачилар, боксчилар, акробатлар ҳам ўз маҳоратларини намойиш этишади.

Армия, авиация ва флотга кўмак берувчи кўнгилли спорт жамияти спортчилари чиқишига ҳам программадан кенг ўрин берилган. Етакчи мотоцикл ҳайдаш усталаримиз иттифоқ спорт йўлкаларида эришган ютуқлари бежиз эмаслигини яна бир бор таъкидлашлар, авиамоделчилар жажжи самолётларини ҳавога кўтаришадилар.

Байрам кунлари ўтказиладиган мусобақалар голибларини кўпгина мукофотлар кутаётир.

От спорти мусобақаларида муваффақият қозонган спортчилар Ўзбекисон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрлиги ҳамда барча областлар ижроия комитетларининг таъсис этган мукофотларини олишади. Шу каби бошқа спорт турлари бўйича ҳам қимматбаҳо мукофотлар белгиланди.

Ипподромга бориш учун транспортнинг кўпгина турлари сафарбар этилади. Эртаклаб соат 7 дан кечки пайтгача Тошкентнинг турли томонларидан транспортда бемалол бориш мумкин. «Революция сквери — Ипподром», «Калинин майдони — Ипподром», «Чилонзор массивидаги Савдо маркази — Ипподром» «Високовольтний массиви — Ипподром» маршрутлари ташкил қилиниб улар автобуслар билан таъминланади. Бундан ташқари маршрут таксилар ҳам бетўхтов қатнаб туради.


Эрта ва индин умумхалқ байрамига айланадиган «Оқ олтин» тўйига марҳамат!

ИППОДРОМДА КИЧКИНА ЦУМ

Савдо ходимлари Пахта байрамига яхши тайёргарлик кўришди. Ипподромда бўладиган тантаналарда кичкина ЦУМ ҳам ишлайди.

Савдо ярмаркасида салобат билан турган бино икки-уч кун ичида қуриб бўлинди. Унинг кўриниши пойтахтимиздаги Марказий универсал магазинининг худди ўзгинасидир. Баландлиги 8 метр, узунлиги 30 метр бўлган бу магазин хушбичим қурилган.

Кичкина ЦУМ да истаган нарсангиз топилади. Ранг-баранг гиламлардан тортиб, рўзғор буюмларигача, энг чиройли кийим-кечаклардан тортиб, янги радио-телевизорларгача сотиб олишингиз мумкин. Минг хилга яқин моллар етти бўлимда сотилади. 35 савдо ходими хизматингизда бўлади.




Суратда: Ипподромдаги ЦУМ ва гилам устига ўрнатилган «Аврора»ни кўриб турибсиз.

ЛЕНИНГРАД ЯҚИНИДАГИ ГАТЧИНА ДЕБ НОМЛАНГАН ЖОЙДА СССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ А. П. ИОФФЕ НОМЛИ ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ЖОЙЛАШГАН. ЯҚИНДА ШУ ИНСТИТУТДА ЯНГИ СИНХРОЦИКЛОТРОН ИШГА ТУШИРИЛДИ. ҚУДРАТЛИ КУЧЛАНТИРУВЧИ МЕХАНИЗМ 750 МИЛЛИОН ЭЛЕКТРОНВОЛЬТ ЭНЕРГИЯСИ ПРОТОНЛАРИНИ БЕРДИ.

СУРАТДА: СИНХРОЦИКЛОТРОННИНГ БОШҚАРУВ ПУЛЬТИ.

П. Федотов фотоси.
ТАСС фотохроникаси.



Сатирик кўргазма

«Главташкентстрой» халқ контроли комитети «Оргтехстрой» трести, «Тошкент биноқори», «Строитель Ташкента» газеталари билан биргаликда сатирик девориий газеталар, «Комсомол прожектори», фотогазета ва фотоайбномалар кўригини бугун якунлади.

Кўргазма тематик равишда тузилган бўлиб, унда ҳўжасизлик фактлари ва исрофгарчиликлар, тежамкорлик масаласидаги пала-партишликлар, меҳнат интизомини бузиш ҳоллари тасвирланган.

ТЎҚИМАЧИЛАРГА ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАСИ

Юбилей йили планини муддатидан илгари бажарган Ўзбекистон пахта заводларининг меҳнатчилари тўқимачиларга янги йил совғаси тақдим этишга аҳд қилдилар. Декабрь ойининг охиригача қўшимча суратда яна 100 минг тонна яқин пахта толаси тайёрлаш мўлжаллаб қўйилди. Бу тола миллиард метр газлама ишлаб чиқаришга етади.

Заводлар юбилей йилида рекорд миқдорда пахтани қайта ишлаб, мамлакатга 1,3 миллион тоннадан зиёд тола бердилар. Беш йилликнинг нияи йили планини муддатидан илгари бажарган костромалик тўқувчи В. Плетнева изидан борувчи 8 минг кишилик отряд ана шу муваффақиятга салмоқли ҳисса қўшди. Республикамизда пахта заводлари ишчиларидан 12 киши — «жияи» машиналарда ишловчи Файзулла Болтаев, Раҳила Чиқириди, Солн Турсунов ва бошқалар оммавий касбдаги ишчилар Бутуниттифоқ мусобақасида голиб чиқдилар. Уларга «СССР Енгил саноат министрлигининг энг яхши ишчиси» деган фахрли ном берилди.

(ЎзТАГ).

ЁШЛИК ЧОРЛАДИ

Тонг саҳарда Тошкент вокзалига одатдан ташқари пассажир поезди келиб тўхтади. Бу махсус поезд юзлаб ўтюрак ёшни қайта тиклаш жараёнида кун сайин гўзаллашаётган Тошкентимиз қурилишларига олиб келди...


Н. ҳарбий бўлинмаларидан ҳарбий хизмат бурчларини муваффақиятли тугаллаган жанговар комсомол-ёшлардан катта бир группаси хизматдан сўнг, комсомол йўлланмаси билан тўғри Тошкентнинг улкан зарбдор қурилишларига бориб ишлаш истагини билдиришиб, ҳарбий бўлинмага мурожаат қилган эдилар. Ҳарбий бўлинма ташаббускор, жўшқин қалбли комсомол жангчиларининг бу ажойиб истак ҳамда мурожаатини эътиборга олиб, комсомол йўлланмаси билан Тошкент шаҳрининг зарбдор қурилишлари томон йўллади.

Бу қалбли оловлар «Главташкентстройга ва «Главмосстройнинг қурилиш бошқармаларига қабул қилиндилар.

— Мақсадсиз кишн бўлмаганидек, шу кунларда пойтахт қурилишида актив иштирок этаркансан, ўзингни меҳнатда кўрсатишни, иш унумдорлиги ҳамда сифатини оширишни, илғорлардан ўрнак олишни, қолаверса, меҳнат фронтида ҳам аввалгидек одоб-интизомли бўлишни олдимга мақсад қилиб қўйганман,—дейди сирдарёлик М. Сандов.

Бундай холис ният, катта мақсад ва меҳнатсеварлик руҳи билан Тошкент қурилишига келганлар орасида қашқадарёлик Эштемир Хантов, жиззахлик Маҳмуд Ҳакимов, сирдарёлик Равшан Раҳимов, Ким Инокентий сингари юзлаб ёшлар бор. Вақт ўтиши билан уларнинг номини, меҳнатдаги муваффақият ҳамда қаҳрамонликларини эшитиб қолишингиз турган гап.

И. НОРМАТОВ,
запасдаги сержант.





Меҳнат Қизил Байроқ орденли Қўйлиқ ремонт-механика заводининг коллективи йиллик топшириқни яна бир неча кундан сўнг адо этади. Бу дондгор заводнинг ишчан колективи йиллик топшириқни муваффақият билан якунламоқда. Завод машинасозлари 2300 двигатель ҳамда 2500 гидропресс ишлаб чиқариб, мамбурият ҳисобига яна 120 трактор двигатели ва 50 гидропресс ишлаб чиқариш учун курашмоқдалар.

Суратларда: гидропресс цехининг пешқадам йигувчи слесари коммунистик меҳнат зарбдори С. Иброҳимов. Шу корхонада 12 йилдан буён узлуксиз ҳалол меҳнат қилаётган бу пешқадам ишчи ҳозир келгуси йил ҳисобига меҳнат қилаётир.

Шу цехнинг контроль мастери Т. Першин ва цех бошлиғи В. Россохин ўртоқлар жўнатишга ҳозирланган гидропрессларнинг сифатини текширмоқдалар.

М., НУРИДДИНОВ фотолари.

•ШАҲАР ҚУРИЛИШИ ПРОБЛЕМАЛАРИ

ҚУРИЛИШДА БУРИЛИШ КЕРАК

Тошкентнинг шимоли-шарқидаги Чуқурсой ва унинг атрофлари шаҳримизнинг йирик саноат зонаси бўлиб қолди. «Главташкентстрой» қурилиш индустриясининг базаси бўлган йирик корхоналар комплекси шу ерда қад кўтаряпти. Бу комплексга 2-уйсозлик комбинати, керамзит ишлаб чиқариш корхонаси, дурадгорлик буюмлари заводи, соатига 400 тонна бут ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган қозонхона ва бошқа корхоналар киради .

2-уйсозлик комбинатининг йилига 140 минг квадрат метр турар жой учун панеллар тайёрлайдиган биринчи навбати ишлаб турибди. Унинг иккинчи навбат қурилиши ҳам ана шундай қувватга, учинчи навбати эса 220 минг квадрат метр уй-жой ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

Уйсозлик комбинати бош корпуси ёнида қозонхона биноси қурилган. Бундан ташқари узоқ бўлмаган жойда керамзит ишлаб чиқарувчи айланма печлар ястаниб ётибди. Дурадгорлик буюмлари заводи биноси эса ўзининг салобатлилиги билан ажралиб турибди. Бу ҳозирги замон корхонасининг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 500 минг квадрат метр эшик ва дераза блокларини ташкил қилади. Бироқ бу ҳам чегара эмас. Заводда ишлаб чиқариш кенгаймоқда. 159- қурилиш трестининг 37-бошқармаси дастлабки корпус ёнида корхонанинг асосий корпусларини бунёд қиляпти. Унинг ускуналари эса ташиб келтириляпти. Завод йилига 1,5 миллион квадрат метр дурадгорлик маҳсулотлари беради деган бўлади.

Қурилиш индустрияси комплексига 9-темир-бетон буюмлари заводи ва гитинакс ишлаб чиқариш заводи ҳам киради. Бу объектлар асосан ишга тушириб бўлинди. Уларнинг маҳсулотлари — темир-бетон буюмлар, панеллар, эшик блоклари, енгил тўлдиргичлар шаҳримиз қурилишларига тинмай жўнатиб турилибди.

Эндиликда янги Тошкент чегараси шу ердан бошланади деб бемалол айта оламиз.

«Главташкентстрой» қурилиш индустрияси базасини барпо қилишга қанчалик катта эътибор берилаётганлиги, ана шуларнинг ўзидан ҳам яхши тушунарлидир.

2-уйсозлик комбинати лойиҳа қувватларини қачон ўзлаштиришини ҳозирча ҳеч ким айтолмайди. Унинг биринчи навбат қурилиши бундан олти ой муқаддам ишга туширилган эди. Бироқ лойиҳа қуввати бўйича план ҳамон 20 процент атрофидагина бажариб келинмоқда.

Бунинг сабаблари нимада? Биринчидан, ишлаб чиқаришни ўзлаштириш жараёнида йирик технологик нуқсонларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Бу нуқсонларга қурилиш саноати лойиҳалаш илмий текшириш институти (директор вазифасини бажарувчи И. Барминский) ходимларининг тўғридан тўғри алоқаси бор.

Иккинчидан, ишлаб чиқариш майдонларидан рационал фойдаланилмаяпти. Бу ерда завод раҳбарлари (бош инженер У. Йўлдошев) катта эътиборсизлик қилишган.

Лойиҳада чала қолдирилган ишлар шунчалик кўпки, бирор жиддий ҳаракат билан йўл қўйилган нуқсонларни тузатишнинг иложи бўлмаяпти. Шуни айтиш кифояки, металл опалубкаларга қуйилган деталларни ундан лом ва метин ёрдамида зўр-базўр ажратиб олинди. Кўп ҳолларда конструкция қисмларига қўшиб опалубкани ҳам ташлаб юборишга тўғри келди.

Москва «Индусстройпроект» институти иш кунини суратга олди. Бу, ускуналар ишлаб турганда атиги 25 процент вақт буюмлар ишлаб чиқаришга сарфланиб, қолган вақт бекорга кетаётганини кўрсатди. Бу қандай гап! Вақтнинг тўртдан уч қисми бекорга кетса-я!

Яхшими-ёмонми, комбинатнинг биринчи навбат қисми ҳозирча ишлаб турибди. Иккинчи навбат қисмида эса, ишлар аввал бошданоқ омадсиз бўлмоқда. Лойиҳа ҳужжатлари йўқлиги туфайли 1,5 ой вақт бекор ўтди. Биринчи навбат қисмда аниқланган камчиликларни тузатиш ва янги лойиҳа ҳужжатларини топширишни лойиҳа институти ҳамон чўзиб келмоқда.

Бу ерда қурилиш индустриясини комплектлашнинг яна бир йирик тўсиғи бор. Ностандарт ускуналар — конвейерлар, нарвонли маршлар учун кассеталар тайёрлашда жуда ташвишли аҳвол юз берди. Ажабо, қурилаётган корхоналар дирекцияси (раҳбари ўртоқ Симонов) бу ҳақда нималарни ўйлаяпти экан?

2-уйсозлик комбинатининг йилига 140 минг квадрат метр турар жой ишлаб чиқариш қуввати ўзлаштирилиши ҳам ҳозирча хавф остида турибди.

Шаҳримизнинг шимолий саноат зонасига ҳамда Қорақамиш массивига хизмат қилувчи қозонхона қурилиши ҳам ташвишли аҳволда. Бу объектнинг қанчалик муҳимлигини ҳозир ишлаб турган корхоналар иссиқ буғга жуда муҳтож эканлиги ҳам кўрсатиб турибди. Темирбетон ва дурадгорлик буюмлари заводлари шу сабабдан тўла қувват билан ишлай олмаяпти. Беш ой давомида ёғочни қайта ишловчилар атиги 32 минг квадрат метр эшик блоклари ишлаб чиқаришди. Аслида эса, корхона ой сайин 25 минг квадрат метр шундай маҳсулот беришга қодир.

9-темир-бетон буюмлари заводидаги аҳвол ҳам бундан яхши эмас. Бу корхона бир кеча-кундузда 550 ўринга 400 куб метрдан ортиқроқ темирбетон ишлаб чиқаряпти. Бунинг сабаби ҳам бут етишмаётганлигидадир. Дурадгорлик буюмлари заводининг қурилиш камералари ҳам, 9-темирбетон буюмлари заводи ҳам зарур миқдорда буғ ололмаяпти.

Бунинг устига корхоналарнинг қуввати кун сайин ошиб, буғга бўлган эҳтиёж ҳам ўсиб боряпти.

Район қозонхонасини кенгайтириш кўзда тутилган эди. Декабрь ойи давомида бу ерда яна 4 та қозон фойдаланишга топширилса, қозонхона соатига 400 тонна буғ ишлаб чиқариши мумкин бўларди. Хозир эса ана шу қозонларни муддатида фойдаланишга топшириш топшириқлари барбод бўлиш хавфи остида турибди. Бу қурилишни олиб бораётган 159-трестнинг 10-қурилиш бошқармаси (бошлиғи Э. Шахназаров) ишга чинакам раҳбарлик қилмаяпти.

15 декабрдаёқ қозонларни созлаш учун топшириш кўзда тутилган эди. Бироқ декабрнинг ярми ўтибди ҳамки, бирорта ҳам агрегат тайёр эмас.

«Энергомонтаж» бошқармаси (бошлиғи Н. Гусев) нинг ҳам бунда жиддий айби бор. Бутун йил давомида қурилиш майдонида бу ташкилотнинг ишчилари етарли бўлмади. Бугунга келиб эса анчагина ишлар чалачулпа турганига қарамай, бошқарманинг ишчилари бу ерда мутлақо кўринмай қолишди.

2-«Термоизоляция» «Казмонтажавтоматика», бошқармалари, «Тепломонтаж» трести ва 1-«Ташгранспецстрой» нинг 5-бошқармаси ишлари бениҳоя чўзиб юборишмоқда. Иссиқлик изоляциячилари ноябрь ойида беш минг сўм ўзлаштириш ўрнига бир сўмлик ҳам иш қилмадилар.

8-қозонни монтаж қилишда айниқса аҳвол ташвишли.

Янги Тошкент бошланадиган жой — Чуқурсойдаги қурилиш объектларини материаллар билан тўхтовсиз ва тўла таъминлаб туриш иши билан шуғулланишда кескин бурилиш ясаш зарурлиги ана шу фактлардан яққол кўринмай турибди.

А. ҲАСАНОВ,
А. КАСТ,
П. ЕРМАКОВ.

•*Янгиликлар •Воқеалар •Фактлар*

СИНОВ ПОЛИГОНИ

Одимлар, конструкторлар, машинасозлар коллективлари тезюрар тепловозлар, электровозлар, газотурбовозларни яратиш устида кўпдан буён меҳнат қилмоқдалар. Бундай машиналарнинг тажриба нусхалари яратилган. Уларни ҳар тарафлама синаб кўриш учун Белореченск ва Майкоп шаҳарлари районида махсус синов полигони қурилди.

Давлат қабул комиссиясининг раиси профессор Алексей Золотарский АПН мухбирига хабар қилишича бу полигоннинг йўллари одатдан ташқари йўллардир. У тўққиз километрлик туташган халқадан иборат бўлиб, поездларни юқори тезликда бошқариш талабларига жавоб берадиган қилиб қурилган. Контакт тармоғи кучайтирилган тянчиларга ўрнатилган. Бу йўллар махсус қурилган тортиш подстанциясидан қувват билан таъминланади.

Ю. ПОНОМАРЕНКО,
(АПН).

ҚЎЛЁЗМАЛАР ХАЗИНАСИДА

Украина ССР Маданият министрлигининг Львов илмий кутубхонаси 4 миллион китоб фондига эга. Бу ерда билимларнинг барча соҳаларига оид адабиётлардан фойдаланиш мумкин. Кутубхонанинг 12 та ўқиш зали ва абонементларидан йилига ярим миллион киши фойдаланади. Бу китоб хазинасидаги ноёб қўлёзмалар бўлими катта қизиқиш уйғотади. Бу бўлимнинг ташкил этилганлигига 150 йил тўлди. Бу ерда нодир қўлёзмалар: узунлиги чоракам бир метр, кенглиги ярим метр ва қалинлиги 11 сантиметр бўлган улкан китоб сақланади. Унинг қалин теридан тортилган муқоваси бронза билан безатилган. Китобнинг 177 саҳифаси — ҳаммаси қалин қардондан.

Бу бўлимда гугурт қутичасига тенг келадиган қўлёзмалар тўплами ҳам бор. Бу кутубхонада бундай ноёб китоблардан 12 тилда 100 мингга яқин қўлёзмалар тўпланган. Булар орасида энг қимматлиси Жузеппе Гарибальди, Богдан Хмельницкий, Наполеон, Адам Мицкевич, Максим Горькийларнинг ўз қўллари билан ёзилган хатлар, Моцерт, Лист, Леся Украинкаларнинг дастхатларидир.

В. ПОПОВ,
АПН мухбири.

•*Дўстлик тароналари*

ТА'ЪЗИМ

— Мен ҳозир... — йўл-йўлакай суҳбатлашиб келаётган ҳамроҳим — Тўлқинжон Валиев бирор нарса эсига тушгандек, шошилинч чап томондаги вагон-уйчага кириб кетди. Чиқишини кутабошладим. Атрофни кузатиб тургандим, нарироқдаги қомат ростлаган уч қаватли бино ён деворига солинган сурат эскизи диққатимни ўзига тортди. Ихтиёрсиз ўша томон юрдим. Яқинроқ борганим сари, эскизнинг жигарранг бўёқлари чарақлаб турган қўёш ёғдусида ёрқинроқ жилваланарди. Бўёқлардан маъно ахтардим.

...Олдинги планда бир хушрўй қиз. У табассумла тоғ бағридаги лолазор қўйнида турибди. У чўғдек лолани узиб кимгадир ҳадя этяпти. Қизнинг ортида бир-бирига мингашган ўркачли тоғлар. Чўққилар ортидан оламаро қуёш мўралаяпти... Кўз олдимда тоғли тожик диёрининг дилкаш манзараси, осмонўпар тоғлари, шошқин сойлари, пилкушо лолазорлари гавдалангандай бўлди. Завқим жўшди. Дўстлик рамзимикан бу! Дилрабо қиз лолани кимга узатяпти? Тошкентликларгами? Бахтингиз шу лоладай барқ урсин, юзингиз шу лоладай нурафшон бўлсин демоқчими.

— Ҳа, бу лола қизимизга тикилиб қолибсиз?— Шу сўз хаёл риштасини узди. Кулимсираб ортимга қарадим. Гоҳ менга, гоҳ девордаги эскизга боқиб Тўлқинжон жилмайганича келарди. — Ёқдими, сизга? Айблагудек эмас-а? Қурувчиларимизни уста нақшлаш десалар ҳам арзийди. Аммо шу эскизнинг бир жойи менга ёқмаяпти, — деди Тўлқинжон ўзича девор юзидаги қиз аксига, сўнг менга тикилиб.

— Қаери?

Тўлқинжон ҳандон отиб куларкан, ҳазил оҳангда деди:

— Шу лола чин, қиз тирик бўлса-ю, узган лоласини менга берса, мен уни бир меҳригиё кишига инъом этардим.

— Оҳо, жонимга денг? — ҳазиллашдим. Бу гапимга Тўлқинжон яна завқ билан хандон отди:

— Йўқ, билмадингиз! Тўртта фарзандим бору, бошқа жононингизни бошимга урамаймн?

— Кимга бўлмаса?— ўз гапимдан уялиб, дарров олдини олдим.

— Шу ерда бир азиз онахонимиз бор. Ошпазимиз. Ўша кишига! — тушунтирди Тўлқинжон ва қўшиб қўйди: — Аслида у кишига лолани эмас, жонингизни берсангиз ҳам арзийдику-я!

— Ким экан ўзи? —қизиқиб сўрадим.

— Кумри она, деймиз уни. Шу Чопонотадан топиб олганмиз, у кишини. Фамилияларини билмайман. Юринг, ўша ёққа ўтайлик. Тушлик ҳам бўлиб қолди, — деди Тўлқинжон ва қўл соатига қараб бино ёнбошидан йўл бошлади.

Йўл бўйидаги тахтадан ясалган ошхона олдига келдик. Эшик олдини қурувчилар ўраб олишган. Гала-говур.

— Навбат охирида сизми? — сўради Тўлқинжон ҳозиргина ювиниб келиб артинаётган қирғиз йигитидан.

— Ҳа.

Навбатга турдик. Қурувчилар ўзаро сўзлашардн:

— Бугун нима овқат экан?

— Паловхон тўрам!

— Оҳо, яшасин онахон!

— Онахоннинг кеча тайёрлаган «жарков»ларининг мазаси ҳали оғзимдан кетмаганди, бугун паловларидан еймиз экан-да.

— Аммо, паловни ҳам ўпнатиб юбордилар-да, онахон!...

Тўлқинжон менга юзланди.

— Онахоннинг мақтовини эшитаяпсизми? Ҳов, ана шу аёлда, — деди у ўйнини чўзиб ичкарига қараб қўяр экан. Мен ҳам қизиқиб ичкарига назар ташладим. Катта дош қозондаги қипқизил, ноҳатли паловнинг ҳоври димоққа урди.

— Қани, Аҳмадбой ўғлим, гапир, неча горса сузай?

— Бир порса!

— Э, ўзимнинг Соня қизим-ку?! Ҳозир қизим, ҳозир. Сенинг қанча овқат ейишингни ўзим биламан. Ма, ол. Чой ҳам ичасанми? Ҳў, ана, бак қайнаб етибди, қуйиб олақол.

— Хўп, сенга-чи Викторжон! Бир порсами? Хўп... — Ошпаз она навбатдаги ҳар бир кишининг номини айтиб, очилиб-сочилиб ош сузишига тикилганимча ҳайратда қолдим.

Тушликдан сўнг бафуржа суҳбатлашиш ниятида яна ошхонага кирдим. Ҳаммаёқ сув қуйилгандек. Столлар усти тозаланган. Қозон бошида яшик устига ўтириб олиб, тарелка ювиб ҳалиги онахоннинг ўзи ўтирарди.

— О, ўғлим-а, жинча илгарироқ келмадингиз. Ҳозиргина ошни соблаб, қозон-товоқ ювишга ўтиргандим. Жуда очмисиз? Ҳайр, ўтиринг.

— Ташвишланманг, онажон. Ҳали пиширган овқатингиздан еб, тўйдим. Сиз билан танишиб олиш ниятидаман, дедим— узун харакка ўтирарканман унга тасалли берган бўлиб.

— Э, шундайми? Ҳайрият, хайрият, — онанинг юзида қалқкан ташвиш ўрнини севинч эгаллади. Юпқа лабларига кулки югурди, — ҳозир ўғлим, ҳозир. Бирйўла ювиб саранжом қилай, бемалол гаплашамиз, хўпми?— она ўрнидан туриб апил-тапил идиш ювишга киришди...

— Ники ойча бўляпти ўғлим, ошпазлик қилаётганимга, — деди у ишини тугатиб қайтгач.— Бундақа ошпазликка уқувим йўқроқ эди, қандай бўлиб тутилиб қолганимни ўзим ҳам билмайман. Бир куни рўзғорга чой, ёғ олай деб шаҳарга тушмоқчи бўлиб кўчага чиқувдим, қўшнимиз шу Чопонотада тожикистонликлар магазин очганини айтди. Шу ерга келақолдим. Келдиму тутилдим: магазинни излаб ўтиб кетаётганимда мана шу ошхонага кўзим тушди. Эшигидан бош суқаманми, лол қолдим: Ичи ифлос, тахта-столлар устида нон булаклари, қоғоз дейсизми, сочилиб ётган экан. Уни кўриб, юрагим орқамга тортиб кетди. Увол эмасми, ахири! Нон-а! Ўзим эпга келтираман!» — деб қўйдим ичимда.

Уйдагилар билан маслаҳатлашсам, рози бўлишди. Ўзим эса, орасатда қолдим: келай десам, қаричилик, бечора қурувчиларнинг таъби тортадиган овқат пиширолмасам уятда қоламанми, деймн. Келмай десам, ҳолис ният билан бола-чақаларини қолдириб, мусофир бўлиб, уй қуришга келганларга ичим ачиди. Уларга томошабин бўлиб туришга бет чидамайди. Ноилож келдим. Йўқ, тожикистонлик қурувчилар жа одамохун кишилар экан, «она, она» дейишиб кафтларида кўтаришиб ҳурматлашади.

— Ўзингиз асли шу ерданмисиз? — дея сўраб қўйдим гап орасида.

— Ҳа, ўғлим, шу ерданман. Илгарилари бу ерлар Тошкент областидаги Калинин район «Москва» колхозига қарарди. Мана шу Чопонота маҳалласи ўрни экинзор эди. Сабзавот экиб, шаҳарни таъминлардик. Кейинроқ уйлар қурилиб, маҳаллага айланди.

— Фарзандларингиз ҳам борми? — яна гапни бўлдим.

— Минг қатла шукр, ўғлим. Бадавлатмиз. Бир уймиз,— онанинг нуроний чеҳраси қўёшдай чарақлаб кетди. — Бешта ўғил-қизларим бор. Катта қизим куёвим Мақсуджон билан Сирдарёда дохтур бўлиб ишлашяпти. Кичик қизим Гулижон ҳам бўйи етиб қолди. Саккизинчида ўқияпти. Шоирам, Маъмуржоним ҳам мактаб билан овора, жаҳон. Кичкиналар уйимизда. Хўжайинким колхозда. Шукр, ўзимизга гинчмиз...

Ёши элликларга етиб қолган бўлса-да ҳали тетик, одамшаванда Қумрихон она Далабоевнинг таниш овозлари, мароқли сўзлари ҳамон қулоқларим остидан кетмайди. Мунис, мўътабар чеҳралари эса кўз ўнгимда. Бундай меҳри дарё, мушфиқ она бир кишига эмас, минг кишига онадир.

Таъзим сизга, онахон!

Жамолиддин ТОШМАТОВ.



Бу уйларни «Марказ-2» кварталида москваликлар тошкентлик биродарларига қуриб совға қилганлар.

И. Ғиёсов фотоси.

•Фарзандларимиз учун

КЕНЖА ТЕАТР

Охунбобоев номли республика ёш томошабинлар театри ҳузурида иш олиб борган рус группаси яқинда алоҳида мустақил коллективга айлантирилган эди. Давлат рус ёш томошабинлар театри деб ном олган катта ижодий коллектив ўз репертуарини яратишга киришди.

«Улар ва бизлар» номли пьеса театр коллективининг ёш томошабинларга тақдим этган биринчи асари бўлди. Яқинда бу спектакль ёш томошабинларга намойиш қилинди. Асар ёш авлод тарбиясига бағишланган.

— Ижодий коллективимиз,—дейди театрнинг бош режиссёри Р. Седлецкий, — бошланғич синф ўқувчиларига ҳам армуғон ҳозирлади. Бу спектаклни «Этик кийган мушук» деб номладик.

Улуғ пролетар ёзувчиси Максим Горький туғилган кунининг 100 йиллигига театримиз ҳам ижодий совғалар билан боради. Юбилей олдидан ёзувчининг болаларга бағишлаб ёзган асарларининг саҳналаштирамиз.

Кенжа театрнинг келгуси режалари катта. Ойлар ўтиши билан унинг репертуари янги асарлар ҳисобига бойиб боради. Ёш томошабинларни мамнун этиш мақсадида театр саҳнасида «Милиция комиссари», «Тўрғай», «Варшава тароналаги» каби спектакларни кўрсатишга тараддуд кўрилмоқда.

Ўзбек драматурглари асарлари ҳам репертуардан муносиб ўрин олади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 2 БЕТ
15 ДЕКАБРЬ, 1967 Й.



Танқид учунми!

Наҳотки...

«КЕЛИН КЎЗИДА ЁШ» САРЛАВҲАЛИ МАҚОЛА ИЗИДАН

Ҳурматли Саксон ота! Бу хатни сизга собиқ Оржоникидзе посёлкасида истиқомат қилувчилар ёзишяпти. Сиз кўриб кетган кўчаларнинг аҳволи ҳақиқатда шундай. Жуда тўғри ёзгансиз. Биз ўз кўнглимизда «мана ҳурматли отамиз келиб, ёзиб, матбуотда чиқардилар, энди кўчаларимизда чироқ порлаб, ахлат қутилари ўрнатилиб, бошқа камчиликларга ҳам барҳам берилиб қолар», деб севиниб юрсак, мақола чиққан кунниинг ўзидаёқ сувимизни тўхтатиб қўйишди. Кўчаларимизда ҳамма челак кўтариб, сув қидириб қолди. Ҳеч қайси колонкада сув йўқ. Тўртарикдан ифлос сув ичишга мажбур бўляпмиз. Наҳотки «Водоканал»дагилар танқидни нотўғри тушунишса?!

Ҳар бир хонадонда водопровод бўлатуриб, сув бўлмаслиги шаҳар хўжалигининг ёмон «қайнона»лиги эмасми!

Бутун «Агрошкола» маҳалласи аҳли номидан.

Г. БЎРИБЕКОВА.

✦ ✦ ✦

Тўйлар ва ўйлар....

ҲАВАСИМ КЕЛАДИ

Мен яқинда никоҳ тўйида бўлдим. Чилонзордаги уйлар ўзбек миллий тўй маросимига торлик қиладиган бўлсада, одамларнинг тотулик, ҳамжиҳатлилигини кўриб, ҳавасим келди. Чилонзор массивидаги 12-квартал, 61-уй, 13-квартирада истиқомат қилаётган Э. Акбаров уйланди. 14-квартирада яшовчи Р. Орипова ва 15-квартирада турувчи Хувайдилла Абдуллаевлар хоналарида ҳам шу тўй тантанаси давом эттирилди. Уй эгалари эса бел боғлаб хизмат қилишар эди. Пазанда ҳам, чевар ҳам қўшнилар. Ҳамма шод-хурсанд. Қани энди ҳамма тўйларимиз ҳам ана шундай ҳуррамлик билан ўтса.

Четдан қараганда бу ҳушчақчақ манзаранинг эгаси кимлигини айтиб бериш қийин. Ҳамма гап бир ёқадан бош чиқаришда экан. Файз ҳам, кўрк ҳам шунда бўлар экан.

Т. СУЛАЙМОНОВ,
10-поликлиника терапевти.

✦ ✦ ✦

•*Жонга-жон шифокорлар*

РАҲМАТ!

Тошкент шаҳридаги 15-шаҳар касалхонасида олиб борилаётган ишлар мақтовга сазовордир. Касалхонадаги ҳамма бўлимларда тажрибали мутахассис врачлар беморлар дардига даво изламоқда, тинимсиз меҳнат қилмоқдалар. Касалхонанинг урология бўлимини алоҳида тилга олмоқчиман.

Бу бўлимда буйракка, қовуққа тош келиш, касалликларни моҳирлик билан даволанмоқда. Кўп касаллар операция ёрдами билан дардидан халос бўлдилар. О. Орипов, Т. Ҳакимов каби кўпгина беморлар тош ва безларини олдириш билан шифоланиб омларига қайтдилар. Бу соҳада эпчиллик ва моҳирлик билан иш олиб борган профессор И. Д. Змойло ва Г. А. Гаспаровларнинг ишлари алоҳида мақтовга сазовордир.

Офарин шундай шифокорларга!

Ж. ШЕРМУҲАМЕДОВ,
педагог.

Опа-сингил 339 ёшда

Тоғли Кака-Махи (Дағистон) овулида уч опа-сингил — Хамис Хожат ва тўнғич Хамис Багандовалар яшайди. Катта опа 116, ўртанчаси 113 ва кичиги 110 ёшда.

Опа-сингиллар ўзларига овқат тайёрлайдилар, уй ишларини бажарадилар, кир ювадилар, чевардик қиладилар. Тўнғич Хамис эса колхоз новвойхонасида ишлайди.

Пётр ЯШЧЕНКО,
(АПН мухбири).

Санъат оламига саёҳат

НУРЛИ БЎЁҚЛАР



В. ЗЕЛИКОВ. «ТИНЧЛИК ҲАҚИДА ДЕКРЕТ».



В. ШЧУПАК. «1941 ЙИЛ».



М. НАБИЕВ. «БОБИР ПОРТРЕТИ».

Серқуёш ўлкамиз мўйқалам соҳибларининг ижоди ранг-баранглир.

Мана, тасвирий санъатимизнинг кекса намояндаларидан бири марҳум рассом В. Уфимцевнинг «Ҳой, ҳой, отамиз!», «Олдинги сафдагилар», республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Ю. Елизаровнинг «Ўзбекистон республикасининг эълон қилиниши» ёш рассом, Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Рўзи Чориевнинг (бу мукофот унинг «Чорвоқ» туркумидаги асарлари учун берилди) «Амирликнинг емирилиши» ва «Озод қилинган ер», рассом В. П. Зеликовнинг «Тинчлик ҳақида декрет» каби асарлари.

В. Уфимцев ҳаётининг сўнгги йилларида яратилган катта полотно — «Ҳой, ҳой, отамиз!» асари рассом ижодида муҳим босқич бўлган эди.

Рассом толмас инқилобчи Ҳамза ўзи яратган шеърларини қизил аскарлар олдида жўшқин бир тарзда ўқиб бераётган пайтини ўз асарида акс эттириб, уни ўша шеърнинг номи билан атади. Рассомнинг «Ҳой, ҳой, отамиз!» асари, талқин қилинаётган мавзусининг оригиналлиги жиҳатидан ҳам динамик асардир. Оташин шоирнинг мардона тасвирланган қомати, дадиллик ва кўтаринки руҳ билан бера олган шеър ўқиб туриш ҳолати ниҳоятда санъаткорона тараннум этилган. Шоир атрофидаги қизил аскарлар: рус ҳамда ўзбек йигитларининг нигоҳларида эса душманларга нисбатан битмас-туганмас нафратлари акс эттирилган. Асарнинг композицион тузилиши ҳам пухта ҳал қилинган: асосий пландаги Ҳамза образига ҳар иккала миллат — рус ва ўзбек вакилларидан умумлашма қилиб олинган аскар йигитларининг образлари, асарнинг ранг жиҳатидан ўринли топилган умумий колорити айни бир пайтда шу давр нафасининг ҳолатини яққол беради.

Кураш йилларини тасвирловчи асарлар жумласига В. А. Нечаевнинг «Регистон устида байроқ». И. Еннинг «Кузатиш», Қўчқор Носировнинг «Ер — деҳқонларга». В. Соодовнинг «Қарз бадалига» каби йирик полотноларини ҳам мисол қилиб келтириш мумкин. Бу асарлар, темалари ва бажарилиш услубларининг хилма-хиллиги ҳамда турли даврларга оид воқеаларнинг реаллик билан тасвирланиши жиҳатидан кейинги йилларда республикамиз тасвирий санъати қўлга киритган ютуқларидан ҳисобланади.

Кейинги йилларда Ўзбекистон тасвирий санъати ёш ижодкорлар ҳисобига тобора кенгайиб бормоқда: талантли ва серғайрат ёш рассомлар ўзларининг сермаҳсул ижодлари билан республикамизнинг етакчи мўйқалам соҳиблари қаторларидан муносиб ўрин эгалламоқдалар. Шундай рассомлардан бири, Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Рўзи Чориевдир. Ёш рассом, асосан, замонавий темаларда ижод қилиб келди. У кўпинча замондошларимиз образларини талқин қилишга, уларнинг ёркин сиймоларини акс эттиришга катта эътибор беради. Лекин кейинги йиллар ичида Рўзи Чориевнинг ижодий фаолиятида ҳам маълум даражада ўзгаришлар содир бўлганлиги кўзга ташланади. Рассом оддий сюжетли портрет — асарлардан сюжет жиҳатидан кенг миқёсни ўзига қамраб олувчи кўп фигурали тематик полотнолар ижод қилишга ўтди.

Рассомнинг «Амирликнинг емирилиши» номли катта сурати тарихий темада яратган илк асарларидан бири ҳисобланади. Бу полотно ҳажм жиҳатидан ҳам, асарда талқин қилинаётган воқеанинг мазмуни жиҳатидан ҳам, ҳолатда тасвирланаётган фигуралар сонининг кўплиги жиҳатидан ҳам катта миқёсга эга бўлиб, ёш рассомнинг зўр маҳоратини кўрсатади. Рассом ҳар бир персонаждаги ўзига хос жозибани усталик билан кўрсата билади, асар диққат марказида турган қаҳрамонларни бир-бирига контраст бўлган бўёқларда реал тасвирлайди, персонаждаги ҳис-туйғуларни моҳирлик билан очиб беради.

Революцион тарихни гавдалантирувчи бир талай полотнолар ва қатор композицияли суратлар ҳам бор. Рассом В. Петровнинг «М. И. Калинин Бухородa» ҳамда В. Нечаевнинг «Регистон устида байроқ» ва «Тонг» каби асарлари ҳам тематикаси жиҳатидан анча муваффақиятли ҳал қилинган полотнолардандир. Айниқса, В. Нечаевнинг «Тонг» асари ўзининг композицион ечими ва психологик жиҳатлардан талқин қилиниши билан муваффақиятли чиққан полотнодир. Мазкур асарда тасвирланган аёл образининг давр руҳига мос тушадиган ранглар гаммасининг умумлашмаси асарнинг бадиий қимматини оширишда ҳал қилувчи роль ўйнаб туради. Эрта саҳардан гуриб, сафарга кетаётган қизил аскар куёвининг анжомларини кўриб чиқаётган аёл образи узоқ эсда сақланиб қолади.

Аёлнинг сиймосига боқар экансиз, эрини таъқиб қилиб юрган бирон кимсанинг шарпасини, у билан бирга сиз ҳам сезгандек бўласиз, ҳатто, узоқлардаги отлардан бирининг қулоқларини дик қилиб туриши ҳам бу ёш келинчакнинг куёви ҳақиқатан бирон хавф остида қолган, деган маънони англатади.


Рассом В. Нечаевнинг «Регистон устида байроқ» номли сурати ҳам мазкур асарнинг мантиқий давоми сифатида яратилгандир. Бу суратда қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳрининг ажойиб архитектурасидан иборат понорам манзараси ҳам рассом томонидан моҳирлик билан тасвирланган.

Рассом В. П. Зеликов асари — «Тинчлик ҳақида декрет» номли суратининг темаси ҳам шундай.

Рассом В. Нечаевнинг асарида асар қаҳрамонлари Регистон тепасида тасвирланган бўлса, В. Зеликовнинг сурати «Тинчлик ҳақида декрет»да қаҳрамон Регистон деворининг бир бурчагига тинчлик ҳақида чиқарилган декретни ёпиштираётган пайти тасвирлангандек туюлади.

Ўзбек халқи озодликка чиққан дастлабки кунлардаги янги ҳаётлари ва ижтимоий турмушлари билан танишишга ва деҳқонларнинг ўз қўллари билан бойлардан тортиб олган ерларни ўзлаштиришга киришган қизғин кунларида уларнинг аҳволидан партия ва ҳукуматимиз яқиндан хабар олиб, ерли аҳоли билан партиямиз арбобларининг учрашувлари бўлиб турди. Шундай воқеалардан бир эпизодини акс эттирувчи асарлардан бири, рассом В. Петровнинг «М. И. Калинин Бухородa» суратидир. Рассом бу асари орқали Михаил Иванович Калининнинг Бухородa Совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейин бу ерга келганлигини тасвирлайди.

Асарда тасвирланаётган воқеанинг темаси тантанали маросимлардан бири бўлган



В. НЕЧАЕВ. «РЕГИСТОН УСТИДА БАЙРОҚ».

лиги учун ҳам рассом сурат колорити билан шу мавзуни яна ҳам таъсирли қилиб кўрсатиш, шунингдек, асарнинг бадиийлигини ошириш учун ранглар гаммасини ёркин берган.

...Шу кунларда барча совет меҳнаткашлари, башариятнинг улуғ доҳийси, буюк инсон — Владимир Ильич Ленининг туғилганига 100 йил тўлиши муносабати билан мамлакатимизда нишонланадиган катта тантанага қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар.

Ўзбекистон ССР халқ рассоми Лутфулла Абдуллаев ҳам ўз ижодий фаолиятининг кўп қисмини доҳий образини яратишга сарфлаган мўйқалам соҳибларидан биридир. Рассомнинг «В. И. Ленин харита ёнида» ҳамда «Туркистон аёллари Ленин ҳузурида» каби асарлари санъат ишқибозларида катта таассурот қолдиради. Л. Абдуллаев ўзининг «Туркистон аёллари Ленин ҳузурида» номли катта асарида ўз қурашлари туфайли озодликка эришган бир группа Совет Ўзбекистонининг актив хотин-қизлари Ленин қабулида ўтирган пайтини тасвирлаган эди.

Кейинчалик бу мавзунинг давоми сифатида Неъмат Қўзибоевнинг ҳам «Ленин ҳузурида» номли асари майдонга чиқди. Ёш рассом Н. Қўзибоев ўзининг бу асарида Шарқнинг турли миллат вакиллари билан самимий суҳбатлашиб ўтирган доҳий сиймосини ёрқин бўёқларда акс эттиради.

Булардан ташқари, «Ленинном» мавзуни ёритувчи асарлардан. кекса рассом В. Фадеевнинг «Эрталаб» асари ва график рассом С. Редкиннинг «Янги китоблар» каби суратлари ҳам улуғ Ленининг кундалик севимли машғулотларидан бири—мутолаа қилаётган пайтини акс эттиради.

Сўнгги йиллар мобайнида республикамиз мўйқалам соҳибларининг ижодларида социалистик меҳнат темаси: мамлакатимиздаги саноат қурилишлари, қишлоқ хўжалигимиз ишлаб чиқариши ва турмушимизнинг бошқа тармоқларини яна ҳам кенгроқ акс эттириш анниқ кўзга ташланмоқда. Пахта



Будет новый Ташкент

«ЯНГИ ТОШКЕНТНИ БУНЕД ЭТАМИЗ»

йиғим-терими мавсумидаги қизғин ишларни мадҳ этувчи, самарқандлик рассом Рашид Темуровнинг «Охирги чаноқларни йиғиш», М. Губановнинг «Пахта тайёрлаш», Д. Имомовнинг «Хирмонда», П. Мордвинцевнинг «Капитанлар» ва Раҳим Аҳмедовнинг «Пахта терилди» каби асарлари республикамиз пахтакорларининг самарали меҳнатларига бағишлаб яратилгандир.

Республикамиз тасвирий санъати кейинги йилларда анчагина умидли ёш ҳайкалтарошлар ҳисобига ҳам кенгайиб бормоқда.

Ҳайкалтарош Н. Кримская «Стемпковская портрети»—бюст ҳайкалини яратиб санъат ихлосмандлари диққатига ҳавола қилди. Ҳайкалтарошнинг бу асари ўз мухлисларини узоқ ғаёл суриб қолишга ундайди, чунки, портрет-ҳайкалнинг психологик таъсирчанлиги, образнинг ўзига хос жозибаси ниҳоятда оригинал ва реал топилганки, бу билан асар муаллифи қаҳрамон қиз—Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг собиқ талабаси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Стемпковскаянинг ўчмас сиймосини яққол гавдалантиришга эришган.

Ҳайкалтарошлардан Ҳ. Ҳусниддинхўжаев ҳамда М. Мусабоевларнинг «Тошканбоев портрети», Ю. Лапоснинг «Ғалаба ҳайкали», Макаровнинг «Эркак киши портрети» ва «Автопортрет»лари, Я. Шапиронинг «Бир қултум сув» асари, Н. Кримскаянинг «СССР халқ артисти Ҳалима Носирова портрети» ҳамда Д. Рўзибоевнинг «Санъатшунос Г. Савицкий портрети» каби ва бошқа шулар сингари бир талай асарлар яратилди.

Ёш ҳайкалтарошлардан А. Шоймуродовнинг ижодига мансуб бўлган «Алишер Навоий портрети» номли ҳайкали ҳам анча муваффақиятли яратилган оригинал асардир.

Ўзининг бажарилиш услуби жиҳатидан ҳамда инсон ҳис-туйғуларининг куйланиши ва психологиясининг усталик билан очиб берилишлари жиҳатларидан ёш ҳайкалтарош Абдумўмин Бойматовнинг ҳайкаллари киши хотирасида узоқ сақланиб қолади. Муаллифнинг ижодига мансуб бўлган «Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Узоқов портрети» ҳайкали, «Сув» номли группали композицияси анча муваффақиятли асарлардир.



А. БОЙМАТОВ «СУВ» (ҲАЙКАЛ).

Республикамизнинг санъаткорлари—рассом ва ҳайкалтарошлари халқимизнинг босиб ўтган шонли йўлларини ва қўлга киритаётган катта ютуқларини акс эттирувчи полотнолар ва ҳайкалтарошлик асарларини яратиб келмоқдаларки, бу асарлар, ўз мухлислари томонидан зўр кўтаринки руҳ билан қарши олиниб, ҳамиша эъзозлаб келинмоқда.

Ж. СОБИРОВ.



Д. ИМОМОВ. «ХИРМОНДА».

СОВЕТ САНЪАТИ ЧЕТ ЭЛЛАРДА

СССР ҲАҚИДАГИ КИНОЛЕНТАЛАР

Лондонда «Совэкспортфильм» вакиллиги ва «Британия киноинститути» томонидан ташкил этилган совет фильмлари кўриги тугади. Бир ойдан ортиқроқ мобайнида «Нэшнл филм театр»нинг томошабинлар билан лиқ тўлган залида совет фильмлари зўр муваффақият билан намойиш қилинди. Бу ойлик совет киноси тасвирга бағишланган эди. Инглизлар афсонавий «Броненосец Потёмкин», «Октябрь» фильми каби 20 га яқин киноленталарни яна томоша қилдилар. Ана шу кунлар мобайнида «Нэшнл фильм театр» залида деярли 20 минг англиялик фильмларимизни томоша қилди. Айниқса совет тарихий революцион фильмларидан олинган парчалардан ташкил топган композиция зўр муваффақият қозонди. Фестиваль «Жаҳонни титратган ўн кун» («Гранада» инглиз телекомпанияси ва Новости матбуот агентлиги ишлаб чиқарган) фильмни кўрсатиш билан якунланди.

Ҳозирда Манчестер, Глазго, Ньюкасл ва мамлакатнинг бошқа бир қатор шаҳарларида ана шу программа тўлалигича намойиш қилинмоқда.

А. УГЛОВ,
АПН мухбири.
Лондон, декабрь.

Норвегияликлар олқишлаган моқдалар

Норвегия пойтахтининг йирик кинотеатрларидан бири «Клингенберг» да Улуғ Октябрнинг 50 йиллигига бағишланган совет киноси ҳафталигининг тантанали очилиш маросими бўлди. Бу ҳафталик Осло шаҳар коммунал театрлар дирекцияси ва «Совэкспортфильм» ташқи савдо бирлашмаси вакиллиги билан ҳамкорлигида ташкил этилди.

Норвегияга Совет Иттифоқидан таниқли латвиялик актриса Вия Артман ва ёш ўзбек режиссёри Элдор Эшмуҳамедов меҳмон бўлиб келишди. Норвегия киносанъатчилари союзи правлениесининг раиси Рольф Странгер, «Клингенберг» да сўзга чиқиб Совет Иттифоқида ишлаб чиқарилган фильмлар норвеж томошабинларида ҳамма вақт зўр қизиқиш уйғотади, деди...

... Томошабинлар билан лиқ тўлган залда қандиллар аста-секин сўнади. Рангли кенг форматли «Муваффақият сири» фильмининг дастлабки кадрларидёқ томошабинларни ўзига жалб қилади.

Фильм намойиш қилинаётган пайтда ва у намойиш қилиниб бўлгандан сўнг янграган қарсаклар унинг томошабинлар орасида натта муваффақият қозонганлигидан далолат берар эди. Эртаси куни Норвегияда чиқадиган йирик газеталардан «Афтенпостен» шундай деб ёзди: «Клингенберг»даги совет киноси ҳафталиги энг унутилмас, ўзининг бадиий нафосати жиҳатидан ниҳоятда аъло, Осло аҳолиси нўрмаган фильм билан бошланди. Шу нарсани дадиллик қилиб айтиш мумкинки, «Муваффақият сири» бу ниҳоятда гўзал фильмдир».

В. АНДРОПОВ,
АПН мухбири.
Осло, декабрь.

Ер шаридан хабарлар

«Тинч оқар Дон» Ливанда

Байрут. ЮНЕСКО қароийда Араб маданий маркази томонидан ташкил қилинган навбатдаги 13-халқаро нўргазмаси очилди. Бу нўргазмада тўққиз араб мамлакатида нашр этилган китоблар, газеталар, журналлар билан танишиш мумкин. Хусусан Шарқ ва Африка халқларининг ўз мустақиллиги учун ва қаҳрамон Вьетнам халқининг Америка агрессиясига қарши курашига бағишланган китобларни намойиш қилувчи «Дар аль-Адаб» ва «Дар ат-Талиа», Ливан нашриётларининг маҳсулотлари кенг намойиш қилинган. Бу нашриётлар араб жамоатчилигининг чет эл прогрессив авторларининг ижодига бўлган эҳтиёр қизиқишини эътиборга олиб ўзлари нашр этган Михаил Шолоховнинг китобларини, Жан-Поль Сартр, Эрнст Хемингуэй асарларини намойиш қилганлар.

Кўргазмада шунингдек Европа ва Америкада нашр қилинган Араб Шарқи ҳақидаги китоблар намойиш қилинган. Совет Иттифоқи ва Чехословакия бу кўргазмада ўз стендларига эга. Мамлакатимизда нашр қилинган китоблар орасида араб ва рус тилларида, шунингдек СССР халқларининг тилларида нашр этилган асарлар бор.

Кўргазма катта муваффақият қозонмоқда.

Б. ЛАЗАРЕВ,
АПН мухбири.

Тошкент оқшоми
15 ДЕКАБРЬ, 1967 Й.



ПОВЕСТЬ - ГИПОТЕЗА

Футболчилар четга чиқиб, Рарольд Вильсонга йўл берганларидан кейингина, ишқибозлар ва автомобилларнинг тошуви тиқди. Министр ўринбосари қисқача нутқ сўзлаб, қизиб турган гулханга ўт қўйгандек бўлди. Шуни кутиб турганлар одамлар гувури осмонни тешиб юборди.

Яна балконда мўзни қамаштирувчи кубок билан Бобби Мур пайдо бўлди. Шу кундан бошлаб пайғамбар Ниневанинг тасвири туширилган кубок тўрт йилгача Лондонда туради. «Ундан кейин ким билади дейсиз, олис Мексикада ҳам омад келиб бахт кулиб боқса, тилла кубок яна тумалаи Темза қирғоқларида чарақлар...» Чэпмен ширин хаёлларидан ўзига келиб, мийигида жилмайди. У қаяжонини бироз босиш учун уйига эмас, редакцияга йўл олди.

Туи яримдан оққан, эртаги газета босилаётган эди. Гира-шира йулаклар бўм-бўш. У огир-огир қадам ташлаб келиб «Мистер Чэпмен. Бош редактор» деб езилган эшикни очди.

Ўз хонасига кириб, деразани ланг очиб юборди.

Чэпмен креслони дераза олдига суриб, ўзини ташлади, чарчоқни ёзиш учунми оёгини дераза токчасига узала қўйди. Бироз мизғиб, сўнг тунги редакторга қунғироқ қилди. Тезда хонасига ҳали бўёқ ҳиди кетмаган эрталабки газетадан олиб келишди.

Чэпмен креслога яхшироқ ўрнашиб, газетани кўлига олди. Биринчи саҳифада қиролича ложасининг ўнг тарафидан олинган рангли суратлар яшнаб турарди. Улар охирги жаҳон чемпионатида юксак мукофотдар тақдим қилаётганини акс эттирарди. Иккинчи ва учинчи саҳифаларда ҳам футболга тааллуқли материаллар. Мана, рус дарвозабони Лев Яшин министр ўринбосари Вильсонга совет терма командаси аъзолари имзо чекиан рамзий тўпни топширяпти. «Лев, ажойиб йигит-да!» кўнглидан ўтказди Чэпмен. Шу пайт утган куни кундузги газетада босилиб чиққан сурат хаёлига келди. Унда ўн бир метрлик жарима тўпини дарвозага киритаётган олмаган Эйсебионинг кўнглини кўтариш учун унинг елкасига қоқиб қўяётган Яшин тасвирланган эди. Чэпмен Бэнксни ҳамма дарвозабонлардан юқори қўярди. Лекин, маҳорат, жасурлик борасида Яшинга тенг келадиган дарвозабон йўқлигига ўшанда яна бир карра ишонч ҳосил қилди.

Газетанинг тўртинчи саҳифасида немислар терма командаси дарвозасига киритилган учинчи тўп ҳужжатли кинокадрларда тасвирланган. Чэпмен стадиондан туриб, бу суратни қандай бўлмасин газетанинг эрталабки сонида чиқариш шартлигини айтганди. Финал учрашув эндигина тугаган бўлса ҳам, Мюнхен, Ғарбий Берлин ва Гамбургдаги радио ва телевидение учинчи тўпнинг ноҳаклиги ҳақида хабар берганлиги матбуот ложасига маълум бўлган эди. Мюнхен радиоси: судья Динст ва унинг ёрдамчиси, совет судьяси Баҳромов футбол қонунини оёқ ости қилди, деб хабар тарқатди...

«Бой, жин ургурлари!—газаб билан шипшиди Чэпмен.—Футбол қонунининг пайғамбарларини қаранг-у! Эртага шу суратлар чиқсин, оғизларингга талқон солиб, ўпкаларингни босиб олсаилар!»

Фотосурат чиндан ҳам воқеани беками-кўст, акс эттирган эди. У дарвозанинг қанот бурчаги устидан олинганди. Болл зарбасидан кейин дарвоза тўрини тагига тегиб, дарвоза чизиғидан бир неча дюм ичкари тушган оқиш-кулранг тўп яққол кўриниб турарди. Тўпнинг бутчалик мураккаб йўналишда тушганлигини фақат ўткир кўзли мутахассисларгина изоҳлаб бера оларди. Динст ва Баҳромовларнинг тўпни гол ҳисобланганликдари тўғри ва қундай равшан нарса эди.

Яна бир неча суратлар, хроникал кадрлар, репортажлар, мутахассислар мулоҳазаси, ишқибозлар фикрига бир неча колонка ва саҳифалар ажратилган эди... Чэпмен энди газетани қўлдан қўймоқчи бўлган эди, сўнгги саҳифалардан бирининг охиридаги: «Эдуард Блитчлининг баёноти» деб номланган сарлавҳага беҳосдан кўзи тушиб қолди. Сарлавҳа остида йигирма йўллик материал босилган эди.

«Ташаббускор мухбирлар жаҳон футболи кубогининг ўгриси Эдвард Блетчли қамалган камерага киришга муваффақ бўлдилар. Қамоқхона бошлиқлари унга жаҳон чемпионатининг финал учрашувини телевизор орқали кўришга ижозат беришган экан. Мухбирларнинг инглиз терма командасининг галабаси сизни қувонтирдими, деб беришган саволига, Блетчли жуда хурсанд бўлганлигини айтган. «Лекин,—деган у,—терма команда капитанига ҳақиқий кубокнинг асл нусхаси тақдим қилинганида, бундан ҳам шод бўлур эдим». Мухбирлар бу фикрни тушунтириб беришни илтимос қилишганида, у бошқа ҳеч қандай қўшимча киритолмайман, деб туриб олган».

— Бу қандоқ бемаънилик!—ҳайқириб юборди Чэпмен. Кейин мақолани яна бир марта ўқиб чиқди. Бир дақиқа ўтар-ўтмас у навбатчи редакторга қўнғироқ қилди:

— Бу кимнинг материали?

— Билл Раймондники. У мана шу текстдан ҳеч бўлмаса йигирма йўл беришни илтимос қилганди.

— Нима, материали маттамиди?

— Ҳа, уни қисқартириб ташлашди. Мен яна аниқлай чи.

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонида).

— Кўяверинг, мен ўзим Раймондга қунғироқ қиламан...

Уильям Раймонд бош редакторнинг қалин оғайниси, газета спорт бўлимининг мудири эди. У газетанинг кейинги сонларида бошқа бўлимнинг ҳаммасидан кўра кўпроқ жой олар, инглиз терма командаси муваффақият қозонган сайин унинг ҳам иштаҳаси карнай бўлиб борарётган эди. Кейинроқ Чэпмен уни сал ҳовридан тушириб қўйди.

У бемаҳал бўлса ҳам Раймоиднинг уйига сим қоқди.

— Менга қара Билл, бу Блетчли ҳақидаги гапни яна қаёқдан топдинг?

— Ҳаммасини батафсил ёзмоқчи эдим, қисқартириб ташлашди. Ўзинг навбатчи редакторларга «Раймоднинг жиловини тортиб туринглар» деб тайинлаган экансан-ку!

— Албатта! Сенга қўйиб қўйсак, газетамиз футболчилар ёки боксчилар ташкилотининг органи бўлиб қоларди.

— Энг қизиғи ҳам шунда-да, Дин! Шундоқ қилсак газетамизни ҳамма кўзига суртиб ўқиган бўлардик.

— Қўйсанг-чи, ўзинга гап орттиришга кимнинг тоби бор! Яқинда истеъфога чиқишим керак... биласан-ку. Хуллас, Блетчли тўғрисида билганларингни гапир-чи!

— Блетчли ҳақидами? Гап буидай... Мен Биби-силик бир йигит билан унинг каталак хонасига кирдим. Қамоқхона бошлиғи яхшигина футбол мухлиси экан. Блетчлига унинг ўзи телевизорда финал матчини кўришга рухсат бериби, ўша ерда матбуот конференцияси ўтказдик...

— Сен менга Блетчлининг ўзи ҳақида гапир, бошқаларни аралаштирма.

— Қамоқхона бошлиғининг айтишича, матч гамом бўлиб, қиролича Мурга кубок бераётган пайтда Блетчли телевизор ойнасига ёпишиб олай депти. У худди сехрлангандек кубокка тикилиб турибди-да, кейин стулнинг суянчигига ўзини ташлаб, бошини чайқатганча «Йўқ, йўқ, бу кубокнинг асли эмас! Асли эмас...» деб қичқирибди. Бошқа ҳеч нима демабди. Уни камерага олиб келишганда, бехосдан «Билмадим, балки бу қўпол ҳазилдир. Ёки бахтсизлик, дир. Лекин букинг учун кимдир жавоб беради. Пайти келиб жавоб беради» дебди. Мана, бор гап шу. Мен нимани билсам ўшани ёзганман... Нимага ҳайрон бўляпсан, Дин?

Чэпмен хаёлга чўмганча жим турарди.

— Хэлло, Дин, гапимни эшитяпсанми?

Редактор шошилмасдан жавоб қилди.

— Ҳа, эшитдим. Бир ўйлаб кўришим керак. Эртагами, индингами бу масалага яна қайта, миз. Хайрли тун!

Чэпмен телефон трубкасини қўйиб, креслога яна ҳам чуқурроқ ўрнашиб олди. Хотиралар уни ўз гирдобига тортганди. У яқиндагина бўлиб ўтгандек туюлаётган воқеанинг яна бир тафсилотини хотирасида тиклашга уринарди.

2 НОМАЪЛУМ ШАХС

Бу воқеа қачон содир бўлганди ўзи?.. Чамаси жаҳон чемпионати очилишидан бир неча кун олдин, тўғрироғи бир ҳафта бурун рўй берган. ди. Каллан саҳарда Чэпменга ўзини Кросби деб таништирган номаълум киши телефон қоқди. У «Олтин маъбуда» нинг ўғирланганлиги ҳақида аниқ маълумотларга эга эканлигини, агар тегишли мукофот берилса, маълумотни редакцияга етказишини айтди. Бир соат ўтар-ўтмас ўша ки. шининг ўзи редакцияда ҳозир бўлди.

Чэпмен бу сухбатни ипидан-игнасигача эслаб қолган эди. Чунки бу ғайритабиий сухбат бўлган эди.

Номаълум киши гапнинг бошиданоқ «Олтин маъбуда» ни ҳеч ким ўғирлаган эмас, деди. Чэпмен истеҳзоли кулиб, сўради:

Сиз ҳали Эдвард Блетчлини ҳам йўққа чиқарасиз?

— Мистер Чэпмен, Эдвариинг ўзи аслида бўлган эмас. Тўғрироғи бор одам-ку, лекин ўғри эмас. Кечирасиз, маъбудани қўлига ушлагани рост. Лекин...

— Менга қаранг, Кросби, мен ҳийла нозикроқ хазилларни хуш кўраман. балки сиз маъбудани топган Пикклз лақабли кучукчани ҳам йўққа чиқарарсиз?

— Пикклз бўлган Унинг маъбудани топганлиги ҳам рост.

Биласизми, Кросби, менга гапнинг пўст калласини айтсангиз. Вактим жуда зиқ. Сизнингча кубок ўғирланмаган, лекин уни топган кучукча бўлган. Ўғри Блетчлининг ўзи йўқку, лекин у маъбудани қўлига олган... Шундайми? Агар шунақа пойма-пой гапларавердиган бўлсангиз, сариқ чақа ҳам ололмайсиз.

— Мистер Чэпмен, мана кўрарсиз, ҳаммаси рост. Мени ҳайдаманг, ўтинаб сўраяпман. Фақат гапимни охиригача эшитинг.

Ўрта бўйли, ғижимланиб кетган эски костюм кийган, кир босиб, ялтираб кетган галстук тақкан киши креслодан бироз кўтарилди-ю, редакторнинг столига ёпишиб олганча илтижо қила бошлади:

— Мистер Чэпмен, бор гапни айтиб берсам, ҳали телефонда ўзингиз ваъда қилган пулнинг ҳаммасини оламанми! Сиз шунга ваъда берасизми?

— Мен сизга айтдим-ку, икки юз фунтга умид қилишингиз мумкин. Аммо, қасам ичиб айтаманки, сиз ҳали икки шиллинглик ҳам маълумот берганингиз йўқ.

Кросби муҳим сирни яшириб турар, тажрибали газетачи Чэпмен эса буни яхши ҳис этарди. Бутун дунё аҳли бебаҳо Жюль Римэ кубоги-«Олтин маъбуда» қидирилаётганини кузатиб турган бир пайтда, шубҳасиз, у ҳам шу ишда фаол қатнашган эди.

Чэпмен Кросбига яна бир бор икки юз фунт стерлинг ваъда қилди. У Кросбининг гаплари бўйича ҳаммани ҳайратга солувчи ахборот эълон қилгудай бўлса, ўзи ҳам ўн хисса кўпроқ фойда кўришни яхши биларди. Фақат бу кишининг дилидаги бор сирларни хамиридан қил суғургандек тортиб олиш керак!

Телефон жиринглаб қолди. Чэпмен трубкани олди.

— Эшитаман.

— У келдими?

— Ҳа, шу ерда.

— Ҳозир бораман.

— Марҳамат, сэр.

Нашриёт директори редакцияга камдан-кам келар, бутун ишнинг инир-чиқиригача, ҳатто энг мураккаб муаммоларни ҳам Чэпменга ишониб, топшириб қўйган эди.

Лекин ўша саҳар мардонда Чэпмен унга Кросби тўғрисида гапирган замоннёқ директор жуда қизиқиб қолган, бу учрашувда ўзи қатнашишга карор қилган эди.

Чэпмен бир қути сигарани стол четига суриб қўйди, Кросби чекди ва ҳузур қилганидан кўзини оҳиста юмиб, креслога чуқур чўкди. У бундай қимматбаҳо сигарани онда-сонда чекиб қолиши, камдан-кам бундай ҳузур қилиши афтидан кўриниб турарди.

— Хўш...—деди Чэпмен тоқати тоқ бўлиб.

— Ҳозир, жаноб редактор, ҳозир... Сиз ёзиб оласизми?

— Магнитофонни бураб қўйдим. Кейин стенографистка керагини ёзиб олади.

Кросби сигарани яна бир бор чуқур сўрганда, оҳиста сўз бошлади:

(Давоми бор).

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ● ТИНГЛАНГ ● ТОМОША ҚИЛИНГ. ● ТИНГЛАНГ ● ТОМОША ҚИЛИНГ. ● ТИНГЛАНГ ● ТОМОША ҚИЛИНГ. ● ТИНГЛАНГ ● ТОМОША ҚИЛИНГ. ● ТИНГЛАНГ ● ТОМОША ҚИЛИНГ. ● ТИНГЛАНГ ● ТОМОША ҚИЛИНГ. ● ТИНГЛАНГ ● ТОМОША ҚИЛИНГ. ● ТИНГЛАНГ ● ТОМОША ҚИЛИНГ.

Реклама ва эълонлар

РАДИО ТЎЛҚИНЛАРИДА

РАДИОДА
15
ДЕКАБРДА
ЖУМА

Биринчи

18.00 «ПРАВДА» газетасининг обзори (ўзбекча).
18.10 Бурят куйларидан концерт.
18.40 Кичик концерт.
19.20 Озарбайжон куйлари.
20.00 «Беш йиллик — муддатидан илгари» циклидан эшиттириш (русча).
20.10 Совет Иттифоқи давлат академик хорининг концерти.
20.45 Сиёсий билимлар радиоуниверситети. **«РСДРПнинг тузилиши ва большевизмнинг пайдо бўлиши»** (1883—1904 йиллар) (ўзбекча).
21.00 Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт.
21.45 **Саломатлигингиз ҳақида икки оғиз сўз** (ўзбекча).
21.50 **«Мамлакатлар, воқеалар, одамлар»** (ўзбекча).
22.15 **Вальс кечаси.**
22.40 АЛИШЕР НАВОИЙ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 525 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН. М. Ҳакимов. **«Жаҳон кутубхоналарида сақланаётган Навоий қўлёзмалари»** (ўзбекча).
23.20 **Саноат ходимларининг талабларига мувофиқ концерт** (ўзбекча).

Иккинчи

19.00 Ўзбекистон артистлари ижросида ғарб композиторлари операларидан парчалар.
19.30 Ўзбекистон санъат усталарининг ижодий портрети. К. Ефремова (русча).
20.10 Рақс куйлари.
20.45 «Пахта байрами»га бағишланган эшиттириш (русча).
21.00 Композитор З. Шоҳидий асарларидан концерт (тожикча).
21.30 Москва. Ленинча миллионлар университети.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА КЎРИНГ!

ТЕЛЕВИЗОРДА
15
ДЕКАБРДА
ЖУМА

Биринчи

Рус тилида:
18.00 Юқори синф ўқувчилари учун. **«Озодлик дўсти».**
18.40 Телевизион янгиликлар.
18.55 Реклама ва эълонлар.
19.00 «Совет композиторларининг қўшиқлари». Тошкент Давлат консерваторияси хорининг концерти.
19.40 Эшиттиришлар программаси.

Ўзбек тилида:
19.45 Телевизион янгиликлар.
20.00 Ер ва эл.
20.40 **Хотин-қизлар, сизлар учун.** «ОПА-СИНГИЛ САНЪАТ УСТАЛАРИ».
21.25 ЎЗБЕК КИНОСИ УСТАЛАРИ». Йўлдош Аъзамов.

Иккинчи

Рус тилида:
18.00 Ўқув эшиттиришлари программаси. Инглиз тилидан еттинчи машғулот.
18.30 Студентлар учун. Чизма геометрия.

МОСКВА КЎРСАТАДИ
19.45 Эшиттиришлар программаси.
19.50 «Пионерия» телевизион агентлиги.
20.20 «Здоровье». Илмий-оммабоп эшиттиришлар программаси.
20.45 Телевизион янгиликлар.
20.55 **«Графтио кўчасидаги уй»** Телефильм премьераси.
22.20 Интервидение. «Опера театрининг ёш ижрочилари».
23.00 Фигурали учиш бўйича халқаро мусобақалар.
00.30 Янгиликлар эстафетаси.
01.30 **«Совет Ватанимни шарафлайман».**

Учинчи

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ
19.30 «ҚОТИЛ КУЛГИСИ». Телефильм (ўзбек тилида).

Рус тилида:
20.45 «ЎЗГАНИНГ ҲУЖЖАТИ БИЛАН». Бадиий фильм.
22.15 «Ҳамма нарса куйдан бошланади». Фильм-концерт.

ТЕЛЕВИЗОРДА
16
ДЕКАБРДА
ШАНБА

Биринчи

Ўзбек тилида:
10.55 Эшиттиришлар программаси.
11.00 **«Птицеград қиссаси».** Телефильм.
11.15 **Концерт.**
11.55 «ЭРТА ТОНГ». Бадиий фильм.

МОСКВА КЎРСАТАДИ
13.30 Гимнастика ҳамма учун.
14.00 Мактабгача ва кичик ёшдаги ўқувчилар учун. Ю. Андреев. **«Сеҳргар Лоухи».**
15.05 Ўқувчилар учун. **«Эртакка марҳамат!».**

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ
16.55 Эшиттиришлар программаси.
17.00 Телевизион янгиликлар (рус тилида).

Ўзбек тилида:
17.10 Болалар учун. **«Сенинг тенгдошларинг».**
17.30 «ЕШЛИК» студияси кўрсатади. «БУ ОҚШОМ...».
18.25 Телевизион янгиликлар.
18.40 **Рассомлар «Пахта байрами ҳақида».**
19.10 ПАХТА БАЙРАМИ.

МОСКВА КЎРСАТАДИ
20.30 **Ярим аср йилномаси.** «1958 ЙИЛ». Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильм.
21.20 «Новости дня» киножурнали.
21.30 Нитервидение. Фигурали учиш бўйича халқаро мусобақалар. Танаффус вақтида телевизион янгиликлар.
00.30 Москвадаги II Бутуниттифоқ телефильмлар фестивалининг якунловчи кечаси.
02.30 Москва эшиттиришларининг охири.

Иккинчи

МОСКВА КЎРСАТАДИ
16.00 Интервидение.
16.30 Ўқувчилар учун. **«Артек — 67».**
16.50 Телевизион сатира.
17.00 **Рангли телевидение программаси.**
18.30 Телевизион янгиликлар.
19.00 **«Земловалик Давидов».**
19.30 Киносаёҳатчилар клуби.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ
Ўзбек тилида:
20.30 КОНЦЕРТ.
21.10 «ҚЎШИҚ ҚАНОТЛАРИ». Бадиий фильм.

Учинчи

18.00 ФРУНЗЕ ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ ЭШИТТИРИШЛАРИ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 16/XII да **Қирқ қиз**, 17/XII да **Евгении Онегин** (эрталаб), **Дилором** (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 16/XII да **Ўғил уйлантириш**, 17/XII да **Гавҳари шамчироғ.**

Қисқа учрашувлар — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кечқурун).
Жин — «ЧАЙКА» (кечқурун).
Кейин тинчлик бўлади — «СПУТНИК» (кечқурун).

КИНО театрларда

15 ДЕКАБРДА

Тергов давом этади — «ЎЗБЕКИСТОН», «ДРУЖБА», НАВОИЙ, номли, «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» (кечқурун).

16 ДЕКАБРДА

Тергов давом этади — «ЎЗБЕКИСТОН», «ДРУЖБА», НАВОИЙ номли, «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).
Минг-минглаб дераалар — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун). «МОСКВА» (кундуз соат 12, кеч 6 да).
Кейин тинчлик бўлади — «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).
Маҳкум этилганлар уясида — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).
Жин — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

1967 йил 27 декабрь эрталаб соат 11 да Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг фалсафа ва ҳуқуқ институти илмий совет кенгашида (Х. Сулаймонова кўчаси, 33 уй, геология институтининг конференц зали) фалсафа фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

М. П. Капустин: «Шахсни тарбиялаш ва социал практика» деган темада.

Диссертация билан академия кутубхонасида (А. Тўқаев кўчаси, 1 уй) танишиш мумкин.

1967 йил 27 декабрь кундуз соат 3 да Ўзбекистон ССР фанлар академияси фалсафа фанлари, иқтисод ва юридик фанларининг иқтисод фанлари бўлими бирлашган илмий совет кенгашида (Гоголь кўчаси, 70 уй, конференц-зал фойеси) иқтисод фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

М. А. Аминова: «Ўзбекистоннинг умумиттифоқ меҳнат тақсимотида тутган ўрни ва роли» деган темада.

Диссертация билан академия кутубхонасида (А. Тўқаев кўчаси, 1 уй) танишиш мумкин.

„УЗЭНЕРГОСБИТ"

Энергосбит абонентлари ҳи. собланган ҳамма гражданлардан фойдаланилган

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ

учун бўлган қарзларини 1967 йилнинг охиригача тўлашларини сўрайди.

Утган ойлар учун қарзлари бўлган абонентлар дарҳол тўлашлари керак.

Уз вақтида тўланмаган счётларга электр энергияси оғоҳ қилинмасдан ўчириб қўйилади.


ТОШКЕНТ 5-ГИШТ ЗАВОДИ БОШҚАРМАСИГА

олувчилар, таҳловчилар, автокранчилар, слесарлар, электр монтёрлари, бульдозерчилар, иқтисодчилар, нормаловчилар, ҳисобчилар, бухгалтерлар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Носиров кўчаси, 188-уй (2-трамвайнинг «Гала ба боғи», 9-автобусининг «12 поликлиника» бекатлари).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА



ҳар куни
неч соат 7 яримда

«МАЙДОНДА МОСКВАЛИКЛАР» СОВЕТ ЦИРКИ УСТАЛАРИ

ва **Совет Иттифоқида яккаю — ягона радио-механик одам** — «Робот» иштирокида электрон-иллюзион аттракциони.

Раҳбари — **Олег Сокол.**

Булардан ташқари Запашних оиласининг **акробатик аттракциони,** РСФСРда хизмат кўрсатган артист М. Николаев раҳбарлигида **«Турнинг ги гимнастлар»** ва бошқа цирк томошалари.

Томошалар якшанба кунлари 3 марта (кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда), шанба кунлари икки марта (кундуз 3 ва кеч 7 яримда) кўрсатилади.

Билетлар сотилмоқда.



ТОШКЕНТ ОКШОМИ 4 БЕТ — «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»— Орган Ташкентского Горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Дзержинский кўчаси 15-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Коммутатор—В3.02.49 дан В3.02.58 гача, редактор ўринбосарлари— В3_29_33; В3.29.09; масъул секретарлар—В3.27.22; партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари—В3.29_42; саноат, қурилиш ва транспорт бўлими—В3_27_03; адабиёт, санъат ва маданият бўлими—В3_29.55; хатлар ва оммавий ишлар, физкультура ва спорт бўлимлари—В3.29.70; фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари—В3_27.57; ахборот бўлими—В3.65.57; эълонлар бўлими — В3.81.42.

15 ДЕКАБРЬ, 1967 Й. Р. 01479. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64579. Нашр. № 3082.